



КАШАНДАЛИК ВА УНГА ҚЎЙИЛГАН ҚОНУНИЙ ЧЕКЛОВЛАР

Абдусамадов Камронмирзо

Ўзбекистон Республикаси Жамоат Хавфсизлиги университети

С.Хашимова

Илмий раҳбар: проф.

Аннотация: *мазкур мақолада кашандалик ва унга қўйилган қонуний чекловлар, кашандаликни инсониятга таъсири, салбий оқибатлари ҳақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *кашандалик, иммунитет, иллат, никотин, салбий оқибат.*

Инсоният бугунги кунда глобаллашув жараёнини бошдан кечирмоқда. Шиддат билан ривожланиб бораётган замонда нафақат ижобий ўзгаришлар, балки салбий ўзгаришларга ҳам кўзимиз тушиши муқаррар. Айниқса, бугуннинг ёшлари бир томондан салоҳият жиҳатдан устун бўлса, иккинчи томондан эса зарарли одатларга тез ўрганишга мойил десак муболаға бўлмайди. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, ёш авлод зарарли одатлар ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида етарли маълумотга эга бўлса ҳам, ўзини ёниб турган оловга ташлаётганлиги ачинарли ҳол. Кундан-кун ривожланиб бораётган тиббиёт соҳасида зарарли одатларнинг салбий оқибатлари ҳақида етарлича маълумот бор. Улардан бири бу чекиш ҳамда унинг инсон саломатлиги учун қай даражада хвфли эканлиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тошкент Тиббиёт Академияси изланишлари натижаларига кўра, никотинни кам дозада истеъмол қилиш ҳолатида ҳам қуйидаги нуқсонларни келтириб чиқаришини исботлашди:

- 1) Ўпка ва бошқа органлар саратони пайдо бўлиши хавфини оширади;
- 2) Ҳам эркаклар ва ҳам аёлларда репродуктив функцияларни бузади;
- 3) Умумий саломатликни ёмонлаштиради;
- 4) Иммунитетни заифлаштиради;
- 5) Қон томирларини торайтириши оқибатида, юрак-қон томир тизими касалликларини келтириб чиқаради.

Барчамизга маълумки, чекиш туғма одат эмас, ушбу салбий одат мақсадли равишда ўзлаштирилади. Унинг қандай оқибатларга олиб келишини билган ҳолда, ёшларимиз кашандаликка ружу қўйишмоқда.

БМТ маълумотларига кўра, дунёда кашандалик оқибатида ҳар йили 5,4 миллион, ҳар 6 сонияда 1 киши ҳаётдан кўз юмади. Мутахассисларнинг фикрича, зудлик билан зарур чоралар кўрилмаса, 2030 йилга бориб кашандалик ҳар йили 8 миллион кишининг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлади. Дунёда чекувчилар сони бўйича биринчи ўринда Хитой, кейин Ҳиндистон ва Индонезия туради. Чекиш оқибатида келиб чиқадиган йиллик иқтисодий зарар 200





миллиард АҚШ долларидадан ошиб кетмоқда. Ҳаттоки, бир кун давомида бир донадан сигарета чекаётган шахслар ҳам чекувчи ҳисобланадилар.

Эътибор берсангиз, чекиш нафакат инсон саломатлигига, балки молиявий ахволига ҳам путур етказиши мумкин. Бу иллатдан фориғ бўлиш мақсадида кўплаб салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Бу эса, албатта, қувонарлидир. 31 май – Бутун жаҳонда чекишга қарши кураш куни эканлиги ҳам фикримиз исботидир.

Статистик маълумотларга кўра, тамаки ва унинг тутуни таркибида одам организмига зарарли таъсир этувчи 400 дан ортиқ ҳар хил бирикмалар бўлиб, улардан энг заҳарлиси никотин, ис ва шуларга ўхшаш кўпгина зарарли моддалардир. Никотин – энг кучли заҳарлардан бири. Ўпка тўқимасига кирган никотин 7 секунддан кейин бош мияга етиб боради. Инсон учун никотиннинг ўлим дозаси 50-100 мг ёки 2-3 томчи. Айнан шундай доза ҳар куни қонга 20-25 та сигарет чеккандан кейин тушади. Бир кунда 1 қути сигарет чекиш – бу 1 йилда 500 рентген нурланишни олган билан баробар.

Тиббиёт тадқиқотлари натижаларига кўра, тамаки юрак-қон томир, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, асаб, ички секреция, жинсий безлар каби аъзоларига заҳарли таъсир қилиб миокард инфаркти, хафақон касаллиги, бронхларнинг сурункали яллиғланиши, яра ва саратон сингари кўпгина хавфли касалликларга сабаб бўлади. Шунингдек, тамаки наслга ҳам салбий таъсир қилиб, фарзандсизликка, туғиладиган болаларни заиф, ногирон, жисмоний нуқсонлар билан туғилишига сабаб бўлади. Бу эса насллар давомийлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қўймайди.

Мамлакатимизда кашандалик ва иллатларга қарши чиқувчи кўплаб қонунлар тасдиқланган. Улардан кўзланган асосий мақсад фуқаролар, хусусан ёшлар соғлигини, жисмоний ва маънавий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Ҳозирги вақтда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ва тарқатишни чеклаш “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида” ги қонун ва бошқа шу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган. Мазкур қонунда тамаки маҳсулотларини балоғат ёшига етмаган шахсларга сотишни тақиқлаш, тамаки ва алкоголь маҳсулотларининг инсон саломатлигига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзувнинг бўлиши, бундай маҳсулотларда инсон соғлиғи ва ҳаётига зарарлилик даражасига рухсат берувчи норманинг киритилиши, тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни реклама ва тарғибот қилишга йўл қўймаслик, жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тақиқлаш тўғрисидаги талаблар мавжуд. Шунингдек, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида” ги Кодекс тамаки маҳсулотларини жамоат ва транспортнинг рухсат этилмаган жойларида истеъмол қилишни ман этади.

“Реклама тўғрисида” ги қонун тамаки ва тамаки маҳсулотларини реклама қилишни тақиқлайди. Келажагимиз учун дахлдор қонун лойиҳаси аҳоли





саломатлиги, фарзандларимиз тарбияси ва миллат генофонди учун муҳим масалаларни ҳал этишда долзарб аҳамиятга эга.


Шунингдек, “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида” ги қонуннинг 12-моддасига биноан: “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.”

Сир эмаски, ушбу иллат домига тушаётганларнинг аксариятини балоғат ёшидагилар ташкил қилади. Шу боисдан ҳам, мамлакатимизда “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ барча ахборот маҳсулотларида ёшга оид тоифаси белгиси қўйиб борилиши керак. Шу билан бир қаторда кино ва сериалларнинг бошланишида “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида” Қонун талабига асосан алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув жойлаштирилиши белгиланган. Албатта, бу қоидалар телевидение орқали намойиш этилаётган кинофильм ва сериалларда ўз аксини топмоқда. Бирок, гуруч курмаксиз бўлмагани каби, чекиш билан боғлиқ сахналарни очиқ-ойдин намойиш қилаётган кимсалар ҳам йўқ эмас.

Жаҳон тажрибасидан айтадиган бўлсак, тамаки маҳсулотини чекиш билан боғлиқ сахналар қўйилганида миллионлаб ўспирин ёшлар орасида чекиш ҳолатлари кўпайиб кетган. Шундан сўнг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш департаменти директори - Д-р Дуглас Беттчер фильмларда тамаки истеъмол қилиш (чекиш) сахналари намойиш этилиши жуда кучли таъсир қилувчи тамаки маҳсулотлари рекламаси эканлигини таъкидлаб ўтган.

Интернет маълумотларига кура, Америка Қўшма Штатларидаги тадқиқотлардан бири шуни кўрсатадики, биринчи марта чекишни бошлаган ўспирин ёшларнинг 37 фоизи буни экрандаги чекиш сахналари таъсири остида қилган. 2014 йилда АҚШ Касалликларни назорат қилиш ва профилактика марказларининг ҳисоб-китобига кўра, мазкур мамлакатнинг ўзида экрандаги чекиш сахналари таъсири остида 6 миллиондан ортиқ ўспирин ёшлар чекишни бошлаган. Ачинарлиси, улардан 2 миллиони кейинчалик тамаки истеъмол қилганлиги натижасида келиб чиқадиган касалликдан вафот этган. Масалан, 2011 йилда Буюк Британия ва Шимолий Ирландияда 5000 дан ортиқ ўспирин иштирокида тадқиқот ўтказилган. Тадқиқотда фильмларда чекиш сахналари таъсири остида тамакига ўрганган 15 ёшли ўспиринлар ва экрандаги чекиш сахналарини умуман кўрмаган тенгқурларига нисбатан чекиш ҳолати 73 фоизга ортган. АҚШ, Канада ва Норвегияда ўтказилган тадқиқотларда ҳам шундай натижалар олинган.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 27 июндаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш





тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасида “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реклама қилишга йўл қўйилмаслиги, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни тарғиб этиш, яъни алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмол қилишни рағбатлантирувчи, шахсда уларни истеъмол қилишнинг зарарсизлиги ҳақидаги тасаввурни шакллантирувчи ғоялар, қарашлар ҳамда бадий образларни ошкора ёки яширин шаклда тарқатишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тақиқланиши белгиланган. Ушбу қонун доирасида тамаки маҳсулотларини чекиш билан боғлиқ сахналар беркитилса, оммага намойиш этилмаса мақсадга мувофиқ булар эди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу қонунни бузиш учун жавобгарлик белгиланган.

Бу каби ислохотларни санаб ўтсак, улар талайгина. Бирок, қилинаётган ишларнинг сони эмас, балки натижалар муҳимроқ, албатта. Шу ўринда қуйидагилар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- Ёшлар ўртасида кашандалик каби салбий одатларга қарши ўтказилаётган тадбирларни кўпайтириш;

- “Тенгдошнинг тенгдошга таъсири” тамойили остида зарарли одатларга мойиллиги бор ёшлар билан тенгдошлари ёрдамида ишлаш;

- “No smoking” шиори остидаги логотипларни кўпайтириш;

- Нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналари ўртасида ҳам тарғибот-ташқиқот ишларини олиб бориш.

Агар ушбу тадбирлар амалга оширилса чекувчилар сони камайиши муқаррар. Бизнинг вазифамиз эса қонун устуворлигини таъминлашда ўз хиссамизни қўшишдан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1) Каримов.И.А. “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида” ги Қонун. - Тошкент, 2011.
- 2) Каримов.И.А. “Реклама тўғрисида” ги Қонун. - Тошкент, 1998.
- 3) Мирзиёев.Ш.М. “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонун. - Тошкент, 2017.
- 4) Мирзиёев.Ш.М. “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида” ги Қонун. - Тошкент, 2018.
- 5) Ахмедов.А. “Тамаки маҳсулотлари рекламасига қўйилган чекловлар” - Т., 2018.
- 6) Мирзаева. Г. “Чекиш-бу зарали одат”. Тиббиёт академияси. - Т., 2020.

